

**Давлат тиббий суғуртаси  
Жамғармаси  
Ижро этувчи директори  
З.Ш.Эрматовга**

**Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 2025 йил 11-мартдаги 18-и  
сонли буйруғи 1-банди ҳамда 2025 йил 11-мартдаги 4-сонли йиғилиш  
баёнининг 2-банди билан белгилаб берилган вазифаларни жамғарманинг  
Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан жорий йилнинг  
11-14 март кунлари бажарилиши бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмасида жами 5 нафар ходим бўлиб, барча ходимлар тасдиқланган режа асосида фаолият юритиб боришмоқда.

Ҳафта давомида жамғарма рағбарияти томонидан Zoom платформаси орқали ўтказилган барча йиғилишларда бўлинма ходимлари тўлиқ иштирок этишди.

Фуқаро мурожаати бўйича 1 нафар фуқаронинг вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида имтиёзли даволанишда амалий ёрдам сўраб қилган оғизаки мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб ижобий ҳал этилди.

***1. Бўлинманинг тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими  
ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар***

1. Ҳафта давомида раҳбарият топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сонли қарори ижроси юзасидан жамғарма билан шартнома асосида фаолият юритувчи вилоятдаги 6 та даволаш профилактика муассасаларида имтиёзли асосда юқори технологик даволаш усуллари ёрдамида даволанишга қабул қилинган ва чиқарилган беморларнинг кунлик маълумотлари олиниб жамғармага умумлаштириб топшириб борилди.

2. Ҳудудий тиббиёт муассасалари ва маҳалла фуқаролари йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5-сентябр 2024 йилдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарорининг мазмун моҳиятини тушунтириш ҳамда тарғибот ташвиқот тадбирларини ўтказиш режа жадвалига мувофиқ 2025 йил 11 март куни Нарпай туман ҳокимлигида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 23 та бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи муассасалар (КТМП, ОП, ОШП ва уларнинг филиаллари) тиббиёт ходимлари ва тумандаги 57 та маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари (еттилиги) иштирокида тарғибот семинар йиғилиши ўтказилди. (Фото суратлари илова қилинади).

3. 12 март куни ҳудудий бўлинма ходимлари томонидан вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида даволанган беморларни электрон тизимга расмийлаштириш тартиби, электрон йўлланма орқали беморларни қабул қилиш, даволаш профилактика муассасаларини молиялаштиришга ажратилган



маблағларни 15 фоиздан кам бўлмаган қисмини ҳар бир даволанган ҳолатдан келиб чиқиб тўлаш, ХКТ-10 бўйича ташхисларни кодлаш бўйича муҳокамалар ўтказилиб, тавсиялар берилди. Марказда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сонли қарори асосда юқори технологик даволаш усуллари ёрдамида имтиёзли даволанаётган беморлар билан суҳбатлашилиб сўровнома ўтказилди. (Фотосуратлар илова қилинади).

4. 13 март куни ҳудудий бўлинма ходимлари томонидан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Самарқанд вилояти филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311 сонли қарори ва ССВнинг 2024 йил 23 январдаги № 17 сонли буйруғини бажариш мақсадида даволанган беморлар ҳолати бўйича топширилган ҳисоботлар, клиник-протокол ва стандартлар асосида ҳужжатлар юритилиши бўйича семинар ўтказилди. Шифохонада даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни [mis.2@ssv.uz](mailto:mis.2@ssv.uz) электрон ахборот тизимида шифокорлар томонидан киритишдаги хатоликлар, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муъян синфларига киритилган ташхислар (касалликлар) бўйича даволанган ҳолатларнинг ҳисоботларга мослиги бўйича тушунтириш берилди. (Фотосуратлар илова қилинади).

5. 14 март куни ҳудудий бўлинма ходимлари томонидан вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311 сонли қарори ва ССВнинг 2024 йил 23 январдаги № 17 сонли буйруғини бажариш мақсадида даволанган беморлар ҳолати бўйича топширилган ҳисоботлар, клиник-протокол ва стандартлар асосида ҳужжатлар юритилиши бўйича семинар ўтказилди. Шифохонада даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни [mis.2@ssv.uz](mailto:mis.2@ssv.uz) электрон ахборот тизимида шифокорлар томонидан киритишдаги хатоликлар, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муъян синфларига киритилган ташхислар (касалликлар) бўйича даволанган ҳолатларнинг ҳисоботларга мослиги мониторингдан ўтказилди. Марказда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сонли қарори асосда юқори технологик даволаш усуллари ёрдамида имтиёзли даволанаётган беморлар билан суҳбатлашилиб сўровнома ўтказилди. (Фотосуратлар илова қилинади).

## ***II. Молия-иқтисод бўлими томонидан амалга оширилган ишлар***

- Тиббиёт муассасаларининг 2025 йил талаб этиладиган маблағлари ҳисоб-китоб қилинди ва жамғармага тақдим этилди;
- Вилоят тиббиёт муассасаларининг 2024 ва 2025 йиллардаги режалари ва қойқалари тўғрисида маълумотлар жамғармага тақдим этилди;
- Шифохоналар томонидан шошилиш равишда мурожаат қиладиган беморларга амбулатор шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тўғрисида маълумот жамғармага тақдим этилди;
- Самарқанд вилоят “Хоспис” Давлат муассасаси тўғрисидаги маълумотлар жамғармага тақдим этилди;
- РИРСИАТМнинг психиатрия хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиалида қамоққа олинган шахслар учун стационар суд психиатрия экспертизаси бўлими фаолияти бўйича хулоса жамғармага тақдим этилди;



- Самарқанд вилояти тиббиёт муассасаларининг 2025 йил февраль ойида ҳисоботлари бўйича 5% - “Аҳоли жон бошига” ва 15% - “Глобал бюджет” бўйича тўланиши лозим бўлган (5% ва 15%) миқдоридаги маблағлар ҳисоб-китоб қилинди ва молиялаштириш бўйича сертификат тайёрланди;

- Тиббиёт муассасаларининг ойлик касса харажатлари тўғрисида ойлик ҳисобот жамғармага тақдим этилди;

- Тиббиёт муассасаларининг феврал ойи учун 85%-95% маблағлари (10-14 март кунлари 55,1 млрд.сўмлик 58 та тўлов топшириқномаси) молиялаштирилиши таъминланди;

- Даволанган ҳолат бўйича тиббиёт муассасаларининг ҳисоботлари таҳлил қилинди ва ҳисоб-китоблари жамғармага тақдим қилинди;

### ***III. Реимбурсация дастурини амалиётга жорий этиш юзасидан амалга оширилган ишлар***

“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ”, Самарқанд вилояти бўлинмаси масъул ходимлари билан 5 та хусусий дорихоналарга DMED тизими ўрнатилишида иштирок этилди ва тиббиёт ходимлари ҳамда дорихона ходимларига тушунтириш ўтказилди.



Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сон оилавий поликлиникасида ягона интегратор “Узинфоком” ходимлари билан биргаликда ДМЕД ахборот дастурида Реимбурсация дастурини жорий этишда электрон рецепт расмийлаштирилиши ва ҳаракати ўрганилди.

Д-назоратида турган беморга оилавий шифокори томонидан электрон рецепт расмийлаштирилиши ва уни масъул ходим тасдиқлашидан бошлаб дорихонагача бўлган босқичлари синов тариқасида қўрилди ва электрон рецепт ҳақиқатда амалга оширилгани бўйича ўрганиш ўтказилди.




### ***IV. Амалга оширилган ишлар юзасидан фотосуратлар***











**Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси  
Самарқанд вилоят ҳудудий бош  
мутахассиси**

**Д.Раззоқов**